ТЕРИМ АГРЕГАТЛАРИ МАВСУМГА ТАХТ БЎЛСИН

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

16 ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 173 (4164).

2 СЕНТЯБРЬ СЕШАНБА 1969 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин

Ўрта Чирчиқ районидаги Калинин номли колхозда ҳамма ғўза пайкаллари машина билан теришга мослаб ўстирилди. Бу колхоз пахтакорлари беш йилликнинг тўртинчи йилида етиштириладиган ҳосилнинг 3000 тоннасини машина билан теришга аҳд қилишган. Колхоз далаларида теримда 44 та «зангори кема» жавлон уради. Механизаторлар мавжуд пахта териш машиналарини мавсумга шай қилиб қўйишди. СУРАТДА: механик-ҳайдовчи Қ. Пейсенова (чапдан), механик Қ. Турсунқулов ҳамда Ўрта Чирчиқ район давлат техника инспекциясининг инспектори И. Станов ўртоқлар пахта териш машиналарини кўздан кечиришяпти.

Қ. РОЗИҚОВ фотоси. (ЎзТАГ)



90 ПРОЦЕНТ ПАХТА «ЗАНГОРИ КЕМА»ЛАРДА

Деҳқонлар тили билан айтганда етиштирган ҳосилимизнинг чўғи чакки эмас. Гектар бошига олинадиган пахта бемалол мажбуриятни қоплайди. Участкамизга қарашли 1000 гектарга яқин ерда яхши парваришланган ғўзалар серҳосил бўлиб етилган. Ҳозирнинг ўзида ҳар туп ғўзада 10-12 тадан кўсак бор. Яна камида 2-3 тадан бўлиқ кўсак етилиши керак. Ҳосилга ҳосил қўшиш ниятида барча тадбирлар амалга оширилмоқда. Ғўзаларга қўшимча ишлов бериш йиғим-терим ишлари бошлангунча давом этади. Пахтакорларимиз дала ишларини бўшаштирмай олиб бормоқдалар.

Участкамизга қарашли пахта майдонларининг асосий қисмини қирли ерлар ташкил этади. Мана шу ерларга чигит экиб ундан мўл ҳосил етиштираётганимизга унча кўп бўлгани йўқ. Техниканинг шарофати орқасида янги ерлар очдик. Экин майдонларимиз бир неча юз гектарга кенгайди. Бир вақтлар сувсизликдан қақраган ерларда эндиликда ям-яшил пахтазор барқ уриб турибди. Деҳқон меҳнати, техника қудрати билан қирли ерларимизга сув келди. Ариқ-зовурлар қазилди. Бўш ерлар ўзлаштирилиб пахта етиштирила бошланди.

Дастлабки йилларда еримиз 400 гектарга етар-етмас эди. Ана шу озгина ерга ҳам одам кучи, техника етишмас, айни ғўзаларни суғориш пайтида сув етишмай қолиб, деҳқонларимизни шошириб қўйган вақтлар кўп бўлган. Кейинчалик аста-секин ер унумдорлиги орта борди. Участкамизга етарли техника кучлари келтирилди. Ерларга ишлов бериш, ҳосилдорликни ошириш борасида анчагина ишлар амалга оширилди. Сўнгги йилларда гектар бошига олинадиган ҳосил ҳам бирнеча баробарга ортди.

Ерларимизнинг қирли бўлганига қарамай, ғўзаларни машинабоп қилиб ўстиряпмиз. Бу йил камида 90 процент пахта «зангори кема» бункерларидан тўкилади. Раим Имомалиев, Фозилбек Яхшибоев бошлиқ бригада деҳқонлари эса етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини машиналар ёрдамида териб олишга аҳд қилишган. Бу бригада деҳқонлари шу кунларда техника ремонтини тўла тугаллаб, йиғим-терим кунларига пухта ҳозирлик кўриб қўймоқдалар. Шу билан бирга барча дала шийпонлари, хирмонлар, торозилар ўз вақтида ремонтдан чиқарилди. Ғайратларига ғайрат қўшиб ишлаётган бригада азаматлари гектар бошига олинадиган ҳосилни пландагига нисбатан 4-5 центнерга кўтариш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Участкамизда Давлатбек Аминов бошчилик қилаётган бригада пахтакорларини «оқ олтин» усталари деб аташади. Ҳақиқатан ҳам шундай. Бригаданинг омилкор деҳқонлари ёз бўйи илғорлар тажрибасига суянган ҳолда ишладилар. Натижада ўзларига қарашли 90 гектар пахта майдонида мажбуриятни қоплайдиган ҳосил тўпланди. Уларнинг бу йилги ниятлари ҳар гектар ердан 25 центнердан ошириб ҳосил етиштириш ва тўпланган ҳосилнинг ҳаммасини машиналар ёрдамида териб олишдир.

Деҳқонларимизнинг ҳаракатлари пландаги 1807 тонна ўрнига 1927 тонна пахта хирмони кўтаришдан далолат бериб турибди. Улар зиммаларидаги ана шу вазифани бажариш йўлида тинмай меҳнат қилмоқдалар. Ғўза парваришини бўшаштирмай пахта теримигача давом эттиришга қарор қилганмиз.

Мавсумда камида 100-120 тоннадан пахта териб беришга бел боғлаган азамат механизаторларимиз кўп. Мадраим Жумабоев, Қамбар Норқўзиев, Зоҳира Тожибоевалар шулар жумласига киради. Ўз ният ва истакларини амалга ошириш, бу йил пахтадан улкан хирмон кўтариш учун пахтакорларимиз, механизаторларимиз ва бошқа қишлоқ хўжалик мутахассисларимиз меҳнат фронтида кечаю-кундуз жавлон урмоқдалар.

О. МИРЗАБОЕВ,
Бўка районидаги «Бўка» совхозининг участка бошлиғи.

ЎЗБЕКИСТОН ИНДУСТРИЯСИНИНГ РАПОРТИ

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги марказий статистика бошқармасининг хабар беришича, республика саноат ходимлари В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, 1969 йил январь — август ойлари учун белгиланган саноат маҳсулоти реализация қилиш планини 31 августда бажардилар.

(ЎЗТАГ).

ОЛМАЛИҚ ХИМИЯ ЗАВОДИ УЧУН

Олмалиқ химия заводи қурилиши тезкорлик билан олиб борилмоқда. Корхона шу йилнинг охирги ойидан бошлаб, маҳсулот ишлаб чиқариши керак.

Корхонанинг ўз вақтида қурилиб, фойдаланишга топширилишида «Ўзбекхиммаш» заводи етказиб бераётган ускуналар катта роль ўйнайди. Завод июль ойида Олмалиқ заводига 5 та буғ машинаси жўнатди. Бундан ташқари химиявий аппаратлар, 10 та конденсатор график бўйича юборилмоқда. Қолган буюртмаларни ҳам ўз вақтида юбориш тадбирлари кўрилмоқда.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

ИНСОН МЕҲНАТИ БИЛАН

Келесдаги жун-саралаш фабрикасининг аҳил ишчи ва хизматчилари ярим йилда пландан ташқари 91 тонна маҳсулот тайёрлади. Бу 472 минг сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарилди, демакдир.

Корхонада шарафли меҳнати билан обрў-эътибор қозонган ишчилар кўп. Хайри Рўзиева, Маъфират Мақсудова, Маъсума Ганиевалар шулар жумласидандир. Улар кундалик нормаларини 130-150 процентдан адо этиб, бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Фабрика коллективи бу кварталда давлатга 830 тонна маҳсулот тайёрлаб бериш учун жадал суръатлар билан ишламоқда.

А. ИНОҚОВ.

БИРИНЧИ сентябрь... Биринчи қўнғироқ... Ана шу ҳаяжонли дақиқалар пойтахтнинг Куйбишев районидаги 148-мактабда ҳам сабрсизлик билан кутиб олинди. Суратларда: (чапдан) мактаб ўқитувчилари Р. Мирсидиқова, М. Абзалов ва Р. Ҳўжаевалар биринчи синфга келган ўқувчиларни кутиб олмоқдалар. (Ўнгда) Шу райондаги 71-мактабнинг 4-синфида машғулот пайти.

А. Абалян фотолари.

МАШИНА ТЕРИМИГА ТАЙЁРМИЗ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика колхозлари, совхозлари ва тайёрлов пунктларини 1969 йилги пахта ҳосилини териш ва тайёрлашга ҳозирлаш тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш юзасидан колхозимизда анчагина ишлар амалга оширилаётир. Машина теримига 1300 гектар ер ажратилди. Дефолиацияни белгиланган муддатда ўтказиш мақсадида зарур химикатлар келтирилмоқда. Бу йилги шароитда пахтани ҳамма жойда тез очилишини таъминлаш мақсадида 1610 гектар ердаги ғўзани табақалаб дефолиация қиламиз. Бригада ва звеноларда ғўза парваришини қизғин давом эттириш билан бир вақтда йиғим-теримга ҳам тайёргарлик ишлари боряпти. Бригадаларда 14 та асфальтланган хирмон бор. Қўшимча яна бир нечта хирмон қуряпмиз. Теримнинг дастлабки кунлариданоқ соатли график асосида иш ташкил қиламиз. Бунинг учун зарур тадбирларни амалга оширамиз.

Колхозимизнинг, Ўртабўз, Қўштут ва Чапаев номли массивларида уч километрлик йўл, 5 та кўприк тузатилди. Хўжалигимиздаги бор техника ва барча кучни пахтани тез ва соз териб олишга сафарбар этамиз. Биз пахтанинг бирор граммини ҳам нобуд бўлишига йўл қўймаслик мақсадида пахта ортиладиган прицепларнинг устига ёпиш учун 1200 метрдан ошиқ материал келтириб қўйдик. Бундан ташқари тўкилган пахтани териб олиш учун йўл четларига яшикчалар ўрнатилди. Ҳар бир бригадага иккитадан подборщик ажратдик.

Биз ёнғинга қарши кураш чораларини ҳозирданоқ кўряпмиз. Колхозда 87 та огнетушител, челак ва бошқа материалларни ҳозирлаб қўйдик. Пахта ташийдиган трактор, машиналарнинг ҳаммасига огнетушителлар ўрнатилди. Барча бригада хирмонларида қум ва сув ҳозирдаш ишлари амалга оширилянти. Ҳозир колхозимизнинг 8 та бригада шийпонида телефон ишлаб турибди. Пахта йиғим-терими бошлангунга қадар ҳамма дала шийпонлари телефонлаштирилади.

Хўжалигимизда пахта йиғим-теримига тайёргарлик кўришни янада кучайтирамиз. Шу кунгача биз 45 та прицеп, 41 та пахта терадиган машинани сифатли ремонтдан чиқариб қўйдик. Карта четларида терим машиналарининг айланиши учун қайтиш жойларини текислаб берадиган техникаларни ҳам ҳозирладик. Шу билан бирга 4 та кўсак терадиган, 11 та кўсак чувийдиган машина ва 9 та тўкилган пахтани териб оладиган машина шай бўлиб турибди.

Техника ремонтида Қаюм Сафаров, Амирхон Бакиров, Халил Абжалов, Турдиали Бозорбоев, Роза Жўраева каби механик-ҳайдовчилар жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилдилар.

Хўжалигимизда техника кучлари учун зарур бўлган барча эҳтиёт қисмларни машиналарга ўрнатиб бўлдик. Лекин «Ўзсельхозтехника» район бирлашмаси терим машиналарига зарур бўлган шпиндель, гилдирак баллони, аккумулятор ва шу каби керакли қисмларни ўз вақтида етказиб бермаётирлар. Улар техника ремонтига бундай совуққонлик билан қарасалар, пахта йиғим-теримининг ўз вақтида намунали олиб борилишига салбий таъсир кўрсатишлари мумкин.

Колхозимиз аъзолари ва механизаторлари шу кеча-кундузда ғўза парваришини қизғин давом эттириб, пахта далаларида, олинган мажбуриятнинг бажарилишини таъминлайдиган даражада ҳосил етиштириш ҳамда пахта йиғим-терими кампаниясини муваффақиятли ўтказиш учун барча тадбирларни уюшқоқлик билан кўрмоқдалар.

А. ИЛЕСОВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозининг бош агрономи.

2500 ТОННА УЧУН

ЯНГИЙЎЛ. («Тошкент ҳақиқати» мухбиридан). «Коммунизм» колхозининг азамат пахтакорлари бу йил 838 гектар майдонда деҳқончилик қилишаяпти. Иноқ коллектив табиат қийинчиликларини мардонавор енгиб, пайкалларда мўл ҳосил етиштирди. Ҳар туп ғўзада ўртача 8—10 тадан кўсак бор.

Темир Нурматов бошлиқ звено аъзолари бу йил биринчи марта 40 гектарлик майдонга «Тошкент» навли янги хил уруғ қадаганлар. Бу нав серҳосил бўлиш билан бирга вилтга чидамли ҳамдир.

Пахтакорлар ғўза парваришини ҳамон қизғин давом эттирмоқдалар. Қ. Ҳолматов, С. Шамсиев, С. Хайруллаева каби меҳнатсеварлар ғўзаларни сифатли парвариш қилишда бошқаларга ўрнак бўлаётирлар.

Колхоз аъзолари парваришни қизғин давом эттириш билан бирга пахта йиғим-теримга ҳам жиддий тайёргарлик кўрмоқдалар. Бешта «Ўзбекистон», ўнта «ХТ—1,2», тўртта «ХВС—1,2» пахта териш машиналари тўла ремонтдан чиқарилди.

Колхоз активларидан тузилган махсус комиссия ҳозир далама-дала юриб машина теримига мослаб парваришланган пайкалларни қабул қилиб олаяпти. Колхоз механизаторлари бу йил «пўлат этак» лардан минг тонна пахта тўкишга аҳд қилганлар. Чевар теримчилар ҳам белни маҳкам боғлаганлар. Ҳамма бир жон, бир тан бўлиб қисқа муддатлар ичида давлатга 2500 тонна «оқ олтин» етказиб бериш ва доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини ёруғ юз билан кутиб олиш иштиёқида меҳнат қиляпти.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДАҒАЛ ХАШАК ТАЙЁРЛАШ ВА СИЛОС БОСТИРИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1969 ЙИЛ 1 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — районлар, **иккинчи стун** — дағал хашак жамғариш планининг бажарилиш проценти; **учинчи стун** — силос бостириш мажбуриятининг бажарилиш проценти;

Юқори Чирчиқ	92,2	88,1	Янгийўл	75,9	62,8
Калинин	91,1*	72,1	Оққўрғон	72,5	78,9
Бўка	88,2	59,6	Бўстонлиқ	70,3	11,6
Орджоникидзе	84,4	28,5	Бекобод	70,0	48,0
Ўрта Чирчиқ	84,3	29,6			
			Область бўйича:	81,5	57,2

* — маълумот аниқланмаган.

БИЛДИРИШ

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети депутатларга маълум қиладики, меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг III сессияси 1969 йил 9 сентябрь эрталаб соат 10 да республика «Билимлар уйи» биносида (Киров кўчаси, 24) очилади.

Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилади:

1. Шаҳар хўжалигини 1969-1970 йиллар қиш мавсумига тайёрлашнинг борыши тўғрисида.

Докладчи: Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси ўртоқ Ҳ. А. Асомов.

2. Тошкент шаҳрида ободонлаштириш, санитария ва жамоат тартибининг қоидалари тўғрисида.

Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ С. Б. Норқўзиевнинг ахбороти.

3. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1969 йил 27 мартдаги «Тошкент шаҳри ва Тошкент область шаҳарларида икки кун дам олинадиган беш кунлик иш ҳафтасига ўтилиши муносабати билан Ўзбекистон ССР меҳнаткашларига маданий-маиший ва савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши ҳақида.

Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Г. И. Лебедов ахбороти.

Депутатлар 1969 йил 9 сентябрь эрталаб соат 9 дан ўша бинода рўйхатга олинади.

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний, А. Н. Косигин ўртоқлар Хо Ши Мин, Ле Зуан, Чионг Тинь, Фамь Ван Донг ўртоқларга телеграмма юбориб, Вьетнам Демократик Республикасининг 24 йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва бутун совет халқи номидан Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетига, Миллат мажлиси ва ВДР ҳукуматига, қардош Вьетнам халқига ва Вьетнам раҳбарларига гоят самимий қутловлар йўлладилар.

(ТАСС).

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЖЎНАБ КЕТДИ

БАНСКА—БИСТРИЦА, 30 август. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мазуров бошчилигида Словакия миллий қўзғолонининг 25 йиллиги байрамида қатнашган совет партия-ҳукумат делегацияси бугун Банска-Бистрицадан ватанига жўнаб кетди.

ПАРТИЯ ЙИҒИЛИШИГА ҲАММА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРАДИ

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ СЕКРЕТАРИ МИНБАРИ

Ҳисобот-сайлов йиғилиши ҳар бир партия ташкилоти ҳаётида энг муҳим воқеадир. Бу йиғилишда партия ташкилоти ва коллективнинг кўп қирралари ва ҳар тарафлама таҳлил қилинади. Йиғилишнинг муваффақияти аввало, унинг қандай тайёрланганига боғлиқ бўлади.

Партия йиғилишларига доимо пухта тайёргарлик кўриш лозим. Бу қоида бизда анъана бўлиб қолган. Ҳар бир йиғилиш олдидан унинг кун тартибини кўриб муҳокама қиламиз ва тегишли тайёргарлик кўрамиз.

Бизнинг хўжалигимиз йирик хўжаликлардан. Бу йил Ватанга 9150 тонна «оқ олтин» топшириқ қилдик. Ҳар гектар ердан камида 25 центнердан ҳосил олиш ниятидамиз. Бунинг учун бизда ҳамма имкониятлар мавжуд. 9 та цех партия ташкилотига бирлашган 216 коммунистнинг куч-ғайрати ҳам ана шунга қаратилган. Бошланғич партия ташкилоти ҳуқуқи берилган бу партия ташкилотлари сонини яқин орада яна иккитага кўпайтирмоқчимиз. Ундан ташқари бизда 20 та партия группаси ҳам ишлаб турибди. Улардан тўрттаси яқиндагина 2, 4 ва 5-бўлимлар бригадаларида тузилди.

Партия ташкилотимиз шу йил январдан бошлаб перспектив план асосида иш олиб бораяпти. Бундай план бир йилга тузилади, цех партия ташкилотлари эса квартал ва ярим йиллик перспектив план асосида иш олиб бормоқдалар.

Партия ташкилотининг бутун диққат эътибори ҳозир Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг Тошкент область партия комитети ҳисоботи юзасидан қабул қилган қарорида кўрсатилган камчиликларни йўқотишга қаратилган.

Ҳар ойнинг охирида совхоз партия комитети цех партия ташкилоти секретари кунини ўтказади. Бунда партия йиғилишларини ўтказиш соҳасидаги тажрибалар ўрганилади. Бизда 203 коммунистнинг ҳаммаси партия топшириғига эга. 165 сиёсий ташкилотчи, 72 сиёсий ахборотчи, 45 агитатор совхозда катта иш олиб бораяпти.

Бизда илғорлар тажрибаси эътибордан четда қолиб кетмайди, балки ҳамма соҳада татбиқ қилинади. Яқинда 2-бўлим цех партия ташкилотининг ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишлар соҳасидаги тажрибаси ўрганилиб, уни кенг ёйишга қаратилган қарор қабул қилинди. Бу ташкилотда коммунистлар партия йиғилишларига пухта тайёргарлик кўрадилар, партия ўқувини яхши ташкил этадилар, жамоатчилик ташкилотларига моҳирлик билан раҳбарлик қиладилар, ўз партия топшириқларини беками кўст бажарадилар.

Биз юқоридаги муҳим қарорда кўрсатилганидек, партия ташкилотлари структурасининг такомиллаштиришга катта эътибор бераяпмиз. Партия комитети ҳисобот-сайлов йиғилишига тайёргарлик кўрар экан, унга коллектив бўлиб ҳозирлик кўриш планини ишлаб чиқиб тасдиқлади. Йиғилишни юксак ғоявий савияда ўтказишда амал қиладиган барча муҳим тадбирлар белгиланди. Биз ўйлаймизки, коммунистлар ҳисобот докладини муҳокама қилишда актив иштирок этиб, уни тўлдирадилар, партиявий, ташкилий ва оммавий-сиёсий соҳадаги камчиликларни бартараф этишга қаратилган конкрет таклифларни ўртага қўядилар.

Совхоз партия комитети ташаббуси билан комитет аъзолари ва оддий коммунистлардан 12 та махсус группа тузилган. Улар партия комитети ҳисобот давридаги ишини таҳлил қилишда амалий ёрдам берадилар.

Совхоз партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишига коллектив бўлиб тайёргарлик кўриш юзасидан тузган планимизнинг асосий моддалари билан таништириб ўтмоқчиман.

Биринчидан, партия комитети ва партия ташкилотининг КПСС XXIII съезди ва партия Марказий Комитетининг пленумлари қарорлари асосида хўжаликка раҳбарлик қилиш, совхоз коллективини В. И. Ленининг 100 йиллик юбилейи шарафига олган социалистик мажбуриятни ва давлат планининг бажарилиши учун сафарбар қилиш соҳасидаги ишлари таҳлил қилинади. Партия комитетининг совхоз маъмуриятининг хўжалик фаолияти устидан назоратни ташкил қилиш соҳасидаги ишлари умумлаштирилади. Бу ишларни совхоз партия комитетининг секретари марказий ремонт устахонаси цех партия ташкилотининг секретари, инженер А. Ашимов, шу устахона ишчиси К. Раҳимов, сут соғувчи К. Ирисбоева, ишчилар комитети раиси Т. Иномов ўртоқлар бажаришади.

Иккинчидан, йиғилишда бундан аввалги ҳисобот-сайлов йиғилишининг қарори қандай бажарилаётганлиги, партком ва цех партия ташкилотлари партия сафларини ўстириш ва ёш коммунистлар тарбияси билан қандай шуғулланганлиги, коммунистлар ўз партия топшириқларини қандай бажараётганликлари ўрганилади. Партия йиғилишлари, партком мажлисларини ўтказиш ва унга тайёргарлик масалалари текширилади, уларда қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши таҳлил этилади. Бу вазифалар совхоз директори, партком аъзоси Х. Мирзаев, совхоз комсомол комитетининг секретари А. Жултоев, 1-бўлим цех партия ташкилотининг секретари, инженер-гидротехник А. Раймжонов, қурилиш бўлими ишчиси А. Хўраскин, маккажўхорикор бригада бошлиғи Т. Пўлатов ўртоқлар зиммасига юклатилган.

Учинчидан, партия комитетининг комсомол ва касаба союз ташкилотлари, халқ контроли группаси ва постларига раҳбарликни қандай амалга оширганлиги текширилади. Бу ишни план бўлимининг бошлиғи А. Фозилов, марказий бўлим партия бюросининг секретари ёрдамчиси А. Рўзиметов ўртоқлар бажаришади.

Тўртинчидан, совхозда идеология ишининг аҳволи таҳлил этилади. Коммунистлар ва партиясизларнинг сиёсий-маориф системасида, умумий таълим мактабларида, олий ва ўрта махсус ўқув юртларидаги ўқишининг бориши текширилади, совхозда оммавий-сиёсий ишнинг аҳволи, сиёсий ахборотчилар ва сиёсий ташкилотчиларнинг фаолияти муҳокама қилинади.

Партия кабинетининг мудираси К. Каримова, 2-бўлим цех партия ташкилотининг секретари, инженер-гидротехник О. Жўраев, партком аъзоси, 3-бўлим механиги О. Бегимқулов, агроном-энтомолог Б. Шабалов, автопарк мудири Ғ. Юсупов ўртоқлар юқоридаги ишларни бажараднлар. Шундай қилиб бизда партия ҳисобот-сайлов йиғилишига коллектив тайёргарлик кўриш бўйича тузилган планнинг ҳар бир моддаси учун тегишли ўртоқлар жавоб беришади.

Шуни алоҳида уқтириш лозимки, ҳисобот-сайлов йиғилишига тайёргарлик кўришда ҳамма иш ҳам муҳим ва масъулиятли ҳисобланади. Шундагина партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши катта уюшқоқлик ва юқори ғоявий савияда ўтади.

Йиғилишга тайёргарлик кўришда барча коммунистларимиз фаол қатнашмоқдалар. Бу йиғилишнинг қарорлари эса бундан буёнги қиладиган ишларимизнинг жанговар программаси бўлиб қолади.

М. АБДУЛҲАКИМОВ,

Бўка районидаги 1-«Пискент» совхози партия комитетининг секретари.

ЛЕНИНЧА МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

Т. КАНДАУРОВА ва Л. Борисовалар Тошкент Давлат политехника институтининг иккинчи курсида ўқишади. Улар шу кунларда Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводида меҳнат практикасини ўтказмоқдалар.

Ж. Раззоқов фотоси.

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ тўқимачилик машинасозлиги заводи маҳсулотлари чет элларда ҳам машҳурдир. Бу маҳсулотларга АҚШ, Франция, Япония ва бошқа капиталистик мамлакатлар фирмаларининг ҳам талаби катта. Сиз суратда жаҳон стандартида машина ишлаб чиқаришга муносиб ҳисса қўшаётган слесарь-йиғувчи Файзи Эргашевни кўриб турибсиз. У Покистонга юбориладиган ПК-100М агрегатини йиғмоқда.

«ТАШАВТОМАШ» заводи механика цехининг пешқадам ишчиси Маҳамаджон Туропов коллектив ўртасидаги мусобақада яхши натижаларга эришмоқда. У ойлик топшириқларни бир ярим ҳиссага етказиб адо этмоқда.

ЧЕВАР МЕҲРИХОН

У 1934 йили ҳозирги «Қизил тонг» фабрикасида очилган ҳунар мактабига кириб ўқиди. Тикувчилик «сир»ларини синчиклаб ўргана бошлади. Билим юртини муваффақиятли тугаллагач, «Юлдуз» фирмасида ишлай бошлайди. «Меҳнат қилсанг, ҳурмат кўрасан» деганларидек ишга чечан, чақкон Меҳрихон бу ердаги дугоналари орасида обрў қозонди.

— Касбингга меҳр қўйсанг, умр ўтганини ҳам сезмай қоларкансан, Меҳрихон опа мана 20 йилдан ошдики, тикувчилик касбини қўймайди, — дейди Тошкентдаги 2-тикувчилик фабрикаси 2-цех мастери Гуля Усадова.

Ҳалол меҳнат қилиб, обрў топаётган Меҳри опа каби тикувчилар жуда кўп. Жамила Пўлатова, Валентина Гранд, Розия Булатова, Наима Нигматуллаевалар ҳам шулар жумласидандир.

Меҳри опа ва унинг дугоналари ўзбек миллий фасонидаги нпакли ва ип газламали материалдан тикаётган кўйлаклар ҳар бир хотин-қизга ярашади, ҳуснига-ҳуси қўшади. Цехда кунига 300—350 та кўйлак тайёрланяпти. Меҳри опанинг ўзи 3 та операцияни бажаради.

— 2-цех корхонамизда энг илғор ҳисобланади. У коммунистик меҳнат зарбдори деган номга сазовор бўлган. Яқинда Фрунзе район «Шон-шуҳрат» китобига цех илғорлари ҳам ёзиб қўйилди, — дейди фабрика касаба союз ташкилотининг раиси Анна Громова.

Меҳрихон Аҳмедова шу кунларда нормасини 115—120 процентдан бажаряпти. У тиккан кўйлакларни кўрган одам: «Қўлингиз дард кўрмасин», — дейди.

А. НОСИРОВА.

ҚИЗИҚАРЛИ СУҲБАТ ВА УЧРАШУВЛАР

1 сентябрдан республика Билимлар уйи ёзлик танаффусдан сўнг ўз ишини қайта бошлади.

Билимлар уйининг иш планида барча ёшдаги ва касбдаги тингловчиларни қизиқтирадиган жуда кўп тадбирлар ўтказиш мўлжалланган. Уларнинг маълум қисми В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига бағишланган туркум лекциялар бўлади.

«Фандаги янгиликлар» туркуми бўйича ўқиладиган лекцияларга республикамизнинг етакчи олимлари В. Қобулов, Я. Ғуломов, В. Шчеглов таклиф қилинадилар.

Молекуляр биология бўйича ўтказиладиган симпозиум пойтахтимиз ҳаётида катта воқеа бўлади. Академик Энгельгардт иштирокида ўтадиган бу илмий кенгаш қатнашчилари катта залга 21—25 сентябрь кунлари тўпланадилар. Тингловчилар олдида Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министри Қ. Зоиров, Ўзбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълим министрининг биринчи ўринбосари К. Афанасьев қизиқарли ахборотлар билан чиқадилар.

Бир қатор лекциялар коммунистик ва ишчи партиялар халқаро кенгашининг якунларига бағишланади.

Билимлар уйи шаҳар ва республика ёшлари учун кўпгина қизиқарли тадбирлар белгилаб қўйди. Булар орасида В. Маяковский, Р. Рождественский, А. Вознесенский каби шоирларнинг ижодига бағишланган кечалар, Ўзбекистоннинг ёш талантлари билан учрашувлар бор. Жумладан, шоира Эътибор Охунова, хонанда Муҳаббат Шамаева ва бошқалар Билимлар уйининг меҳмони бўлишади.

Сентябрь ойида кино ҳаваскорлар клуби йиғилишлари давом эттирилади.

Лекция ва учрашувлар ўзбек ва рус тилларида бўлади. Сентябрь ойи мобайнида Билимлар уйига келувчилар янги ҳужжатли ва бадиий фильмлар билан танишадилар.

Билимлар уйи Сизларни кутмоқда, азиз ҳамшаҳарлар.

БИРЛАШГАН НАШРИЁТ ТУҲФАСИ

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Бирлашган нашриёти кўпгина ҳаётий ва ҳаётий бир қатор брошюраларни босмадан чиқарди. Қуйида шу китобчалардан айримлари билан газетхонларни таништирамиз.

Бўстонлиқ районида республикамизнинг энг хушманзара, сўлим жойларидан бири бўлибгина қолмасдан, чорва боқиш учун жуда боп ва қулай водийдир. Бу ерда айниқса қўйчиликни ривожлантириш учун битмас-туганмас имкониятлар бор. А. Қўйшимоновнинг **«Бўстонлиқ районида қўйчилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш йўллари»** деб аталган брошюраси ана шу мавзуда ёзилган. Китобчада районда қўйчилик тармоғи, зотли қўйларни кўпайтириш усуллари, маҳсулдорликни янада ошириш резервлари, тажрибакор қўйчиларнинг ишлари ҳақида ҳикоя қилиб беради. Брошюра жадваллар, фотосуратлар билан безатилган.

«Фан ҳақида суҳбатлар» туркумида чиқарилган **«Сохта гуманизм»** китобида ҳозирги замон буржуа «инсонпарварлиги» назариясининг баъзи масалалари очилган. Автор Д. Қўлдошева буржуа «гуманизми» ва унинг назариётчилари илгари сураётган ғояларни марксизм-ленинизм нуқтаи назаридан фош этади. Сохта гуманизмнинг асл моҳияти ва унинг инсоният манфаатларига зидлигини ишончли далиллар воситасида исботлаб беради.

«Эстетик тарбия тўғрисида» брошюрасининг автори С. Файзуллина ўз асарида ёш авлоднинг маънавий ва ахлоқий камолотга эришувида эстетик тарбиянинг роли ҳақида фикр юритган. Бу соҳада ота-оналар, мактабларнинг педагогика коллективлари, жамоатчилик олдида турган вазифалар, эстетик тарбия воситалари кўрсатиб берилган.

Механизатор А. Харков ва ишчи Л. Горлова ўртоқлар «Ташавтомаш» заводининг тайёр маҳсулотлар омборида прицепларни жўнатишга ҳозирлашяпти. Бу прицеплар яқин кунларда қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари хизматида бўлади.

М. Нуриддинов фотолари.

КАЛИНИН РАЙОНИДА

ОНАЛАР МАМНУН

Қўйлиқдаги Ўрта Осиёда энг йирик бўлган теплица комбинати ҳузурида замонавий типдаги бино қад кўтарди. Бу бино 60 болага мўлжалланган боғчадир. Ҳозир комбинат ишчиларининг ўғил-қизлари бу ерда тарбияланмоқда. Комбинат маъмуриятининг бу ғамхўрлигидан меҳнатда банд оналар мамнун бўлишмоқда.

ЯНГИ МЕДИЦИНА ПУНКТИ

Яқинда «Бўзсув» совхозида аҳолига медицина хизматини янада яхшилаш мақсадида янги медицина пункти очилди. Пункт совхоз ишчиларига тиббий ёрдам кўрсатаяпти.

Б. САИДАЛИЕВ.

ЯНГИ ТЕХНИКА ИСТИҚБОЛИ

ДИРЕКТОРЛАР СОВЕТИНИНГ ЙИҒИЛИШИДА

Областимизнинг машинасозлик ва электротехника саноати корхоналари раҳбарлари Тошкент область партия комитети ҳузурида ташкил этилган директорлар совети навбатдаги йиғилишига тўпландилар.

«Ташсельмаш» заводида ўтган бу йиғилишда завод директори И. Ҳ. Мусин янги техникани ўзлаштириш ва корхонани такомиллаштириш мобайнида пахта териш машиналари ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасида коллектив тўплаган тажрибалар билан ўртоқлашди.

— Коллективимиз олдида,— дейди ўртоқ Мусин,— бу йил катта вазифалар турибди. Ўрта Осиё, Закавказье республикаларининг пахтакорларига 10 минг 600 та (икки қаторли агрегат ҳисобида) пахта териш машиналари етказиб беришимиз керак. Ўтган йили белгиланган 7583 ўрнига 7600 та машина тайёрланди. Темир агрегатларни бир йил ичидаёқ уч мингта кўпайтириш коллективимиздан фидокорона меҳнат қилишни талаб қилади. Бу вазифага фақат ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш орқалигина эришиш мумкин. Ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш, меҳнатни илмий ташкил этиш ва бошқа ташкилий-техникавий тадбирлар бу вазифани муваффақиятли бажаришимизга имкон беради. Корхонамизда деталларни қайта ишлайдиган 7 та автоматик линия ишга туширилди. Юздан ортиқ автомат ва ярим автомат станоклар ўрнатилди. «14 ХВ-2,4» маркали темир агрегати айниқса пайвандлаш ишларини кўп талаб қилади. Бу жараённи тезлаштириш учун 50 та пайвандловчи автомат ўрнатилди.

Корхонамиз асбобсозлари зиммасига ҳам анчагина масъулият тушмоқда. Қисқа вақт ичида улар уч мингта яқин штамп, 700 га яқин мосламалар, 100 дан ортиқ мураккаб моделлар, қирқувчи ва ўлчовчи асбоблар учун кўплаб мосламалар тайёрланди. Коллектив кўпгина ёрдамчи ишларни қисқартириш, узел ва деталларни ортишни енгиллаштириш юзасидан ҳам яхши ишлар қилмоқда. Бу биринчидан, асосий ишга кўпроқ одам ажратса, иккинчидан, машиналар тайёрлаш унумини ҳам анча оширади. Ҳозир барча цехларда 10 мингта яқин осма ва йиғув конвейерлари, лента-лар, транспортерлар ва бошқа техника жиҳозлари ишлатилмоқда.

Коллективимиз қилаётган бу ишлар чўян қуйишни 82,5 процент, темирчилик-пресслаш ва совутиш участкаларидаги ишни 79 процент, детални қайта ишлаш ва пайвандлашни 84 процент, узелларни йиғишни эса 77 процент механизациялаш имконини берди.

Заводда «14 ХВ-2,4» машиналарини тайёрлаш муддати 827 норма-соатга қисқартирилди. Реконструкция вақтида фойдаланилаётган ишлаб чиқариш майдонига асбоб-ускуналарни зичроқ жойлаштиришга тўғри келди.

«Ташсельмаш» заводининг коллективи Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1968 йил 6 ноябрдаги «Пахта териш машиналари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш чоралари тўғрисида» қабул қилган қарорини муваффақиятли бажриш учун партия ташлоти раҳбарлигида бутун куч ва имкониятни ишга солмоқда.

— Бу йил,— деб сўзида давом этди ўртоқ, Мусин,— ҳар бир ишчига икки ҳисса кўп ишлашга тўғри келади. Асосий фондининг ҳар бир сўмига маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳам анча оширишимиз, ишлаб чиқариш майдонининг ҳар бир квадрат метри ҳисобига маҳсулот олишни кўпайтиришимиз механизациялаш даражасини 90 процентга етказишимиз, бултургига қараганда фойда суммасини 23 миллион сўмга оширишимиз керак. Йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш деярли 80 миллион сўмга етади. Бу вазифалар жуда мураккаб, албатта. Лекин машинасозларимиз елкама-елка туриб бу қийин ва шарафли вазифани муваффақиятли адо этмоқдалар.

Йиғилганларнинг кўпгина саволларига ўртоқ Мусин батафсил жавоб берди.

Шундан сўнг социалистик мусобақани ташкил этиш тажрибалари юзасидан шу корхонанинг касаба союз комитети раиси Н. А. Самарцев сўзлаб берди. У янги иқтисодий реформанинг афзалликларини аниқ мисолларда баён қилди. Бу соҳада касаба союз комитети ишлаб чиқариш новаторлари тажрибалари ва илғор иш методларини қандай тарғибот қилаётгани ҳақида ҳикоя қилиб берди.

Директорлар советида, шунингдек «Чирчиксельмаш» заводининг директори ўртоқ В. К. Супагалев социалистик мусобақа якунларини ишлаб чиқиш тажрибалари билан ўртоқлашди.

Бу корхонада ишлаб чиқаришни узлуксиз планлаштиришнинг новочеркасликлар методи муваффақиятли қўлланилмоқда.

— Бизнинг заводимизда,— дейди В. К. Супаталев, — иш куни бошланишидаёқ завод радиоузели орқали кечаги кунда голиб чиққан ишлаб чиқариш илғорларининг исми ва фамилиялари эълон қилинади. Шунингдек, қайси участка орқада қолаётган бўлса, бунинг сабабчилари танқид қилинади.

Облсовпроф секретари А. В. Браилов корхона директорларини «Коммунистик меҳнат зарбдори» унвони тўғрисидаги янги Низом билан таништирди.

Директорлар совети яқин ойлардаги режаларини тузиб чиқди. Унда мамлакатимизнинг пешқадам корхоналарида қуюв ишларини кенгроқ ўрганиш ва бу соҳадаги тажрибаларни умумлаштиришга қарор қилинди. Шу мақсадда Урал, Украина, РСФСР заводларига яқин кунларда областимизнинг машинасозлик корхоналари ва конструкторлик-технологик бюролари мутахассисларидан бир группаси тажриба ўрганишга юборилади.

Директорлар советининг навбатдаги йиғилишини Чирчиқдаги қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинатида ўтказиш белгилаб олинди. У ерда ишлаб чиқаришни ривожлантиришда янги иқтисодий реформанинг афзалликлари, рағбатлантириш фондидан фойдаланиш тажрибалари ўрганилади.

Директорлар советида ташкилий масала ҳам кўрилди. Совет раиси қилиб Тошкент авиация заводининг директори В. Н. Сивец, Давлат машинасозлик лойиҳалаш конструкторлик-технологик бюроси бошлиғи М. А. Кандауров эса унинг ўринбосари қилиб сайланди.

Директорлар советида Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг биринчи секретари М. А. Абдураззоқов сўзлади.

«ТАШКЕНТКАБЕЛЬ» заводида янги қудратли пресс ўрнатилди. У йилига 2,5 миллион сўмлик иқтисодий фойда беради. Суратда: созловчилардан Виктор Молчанов (чапда), Николай Ципленков ва Новосибирск оғир станоклар ва гидропресслар заводининг ишчиси Юрий Шченников ўртоқлар янги пресснн ишга солмоқдалар.

Н. Ключнев фотоси, (ЎзТАГ).

Ўзбекистонда қирғиз адабиёти ва санъати декадаси олдидан

ЯНГРА, ҚЎБУЗ

ТУНДА автобусда юрган киши ажойиб гўзаллик шоҳиди бўлади. Туннинг қора чодирига бурканиб ётган поёнсиз дашт оралар борилларкан, олис-олислардан ондасонда милтираган ожизгина шуъалар кўзга ташланади. Улар уфқнинг нариги чеккасидан кўз қисиб турган юлдузларга жуда-жуда ўхшаб кетади. Сўнгра саноқсиз юлдузлардек гуж-гуж чироқлар шодаси ярқ этиб кўзга ташланади.

Аксарият шаҳарларнинг тонгги манзараси деярли бир хил. Олисдан турли томонга тарвақайлаб кетган чироқлар шодасиню ва унда-бунда қад кўтарган завод трубаларини кўриш мумкин. Аммо Фрунзе тонгининг кўринши бутунлай бошқача. У эрта тонгда бамисоли очилиб турган қизил гулни эслатади. Гуж бўлиб чарақлаб турган чироқларни бошқа нарсага қиёс қилиш қийин.

Мана шу гўзал шаҳар, қадимий Пишпак, бепоён қирғиз тупроғи ўзининг ажойиб тарихига эга. Тарих эса турли хил афсона ва риваятларга бой. Қирғиз халқи ҳам ўзининг ғозаки ижодиёти билан азалдан машҳур. «Манас» эпоси бу халқ маданиятининг бебаҳо дурдонаси ҳисобланади.

Бошқа Ўрта Осиё халқлари каби қирғизлар ҳам XIII асрнинг бошларида мўғул истилочиларининг зулмини тортади. Шундан сўнг 700 йил мобайнида қирғизлар гоҳ у, гоҳ бу босқинчининг жабр-зулмларига бардош бериб келди. Табиийки, бу босқинлар, тинимсиз урушлар халқнинг жуда кўплаб маданий ёдгорликларини, энг нодир санъат асарларини йўқ қилиб юборди. Фақатгина тўғма шоирона қобилиятга эга бўлган халқ ўз маданиятини, зулмга қарши курашган баҳодирларнинг номини қўшиққа солиб куйлаб, асрлар оша бугунги кунимизгача етказиб келди.

Қирғизлар Тянь-Шань тоғининг этагидан тортиб, Чу водийсининг бир қисмигача бўлган жойда яшайди. X—XII асрларда Ўрта Осиёни Хитой билан бирлаштириб турган «ипак йўли» ҳам шу водий орқали ўтган. Ҳозирги Қирғизистон жами 200 минг квадрат километр келадиган жойни ишғол қилади. Унинг ишгол этган майдони Швейцариядан тўрт марта, Венгриядан икки марта катта. Республиканинг 17 минг квадрат километр майдонини ишгол этган Чу водийси республиканинг 47 фоиз дони, 60 фоиз меваси, 62 фоиз узуми ва бошқа асосий маҳсулотларини етказиб беради. Ваҳоланки, 1913 йилда Пишпакда атиги 13 саноат корхонаси бўлиб, уларда 400 ишчи ишларди.

Инқилобдан кейин Советлар юртининг турли чекка ўлкаларида саноатни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди. Жумладан, 1926 йилга келиб Фрунзеда маҳаллий хом ашё билан ишловчи 23 та артель ишга туширилди. 1927—32 йиллар мобайнида янгирик гўшт, нон, мўйна, гуруч комбинатлари, ремонт-механика заводи қурилиб битказилди. Қирғизистонда биринчи марта иссиқлик энергияси билан ишловчи электростанция ҳамда гидроэлектростанция қурилди.

1956—60 йиллар мобайнида республикада ўндан ортиқ саноат корхонаси ишга туширилди. «Фрунземеташ», маҳаллий саноат корхонаси, физикавий қурилмалар заводи шулар жумласидандир. Энг муҳими, Ўрта Осиёда ягона бўлган автомобиль йигув заводи ва юк машиналарини ремонт қилувчи завод қурилишига киришилди. Ҳозир республикада жами 69 саноат корхонаси ишлаб турибди. Ярим аср муқаддам йирик саноатга эга бўлмаган халқ эндиликда кўплаб хорижий мамлакатларга ҳам маҳсулот чиқармоқда.

Қирғиз халқи қадимда ёзувга эга эмасди. Аммо бу халқнинг ғозаки ижоди жуда бой. Худди ўзбеклар каби қирғизларда ҳам халқ бахшилари жуда кўп. Машҳур «Манас» эпоси ҳам қўбуз билан айтилиб, оғиздан-оғизга ўтиб келган.

Эндиликда Қирғизистон ўз Фанлар Академиясига, кўптармоқли дорилфунунига, қишлоқ хўжалиги, медицина, политехника, жисмоний тарбия, хотин-қизлар педагогика институтларига эга. Бу билим ўчоқларида минглаб талабалар таҳсил кўрмоқда. Агар 1923 йили Пишпакда 622 ўқувчи бўлган бўлса, ҳозир 50 мингдан ортиқ киши турли мактабларда билим олянти. 1,5 мингдан ортиқ олим халқ хўжалиги соҳаларида илмий иш олиб бормоқда. Республикада касалхоналарнинг сони етти баравар, врачларнинг сони 350 баравар ортиб кетди.

Гуллаётган Қирғизистон бугунги кунда ўзининг Ленин орденли академик опера ва балет, драма театрларига, Тўхтағул Сотилганов номидаги филармониясига, тасвирий санъат музейига, циркига, қўғирчоқ театрига ва бошқа ижодий уюшмаларига эга. Бу коллективлар ўз санъатлари билан эл олқишига сазовор бўлиб келмоқда. Ўйлаймизки, декада кунларида ўзбек томошабинлари қирғиз санъаткорлари ижросидаги куй-қўшиқларни, опера ва балетларни мароқ билан томоша қиладилар.

Фрунзенинг сокин кўчалари бўйлаб кезар экансиз, бошқа шаҳарлардан кескин фарқ қиладиган манзарани кўрасиз. Шаҳар кўчалари кафтдек текис, икки четида саноқсиз дарахтлар саф тортиб турибди. Қатнов кам. Юракни орзиқтирувчи бир сокинлик руҳингизга ором бағишлайди. Шаҳарнинг марказий кўчаларидан бўлмиш Дзержинский кўчаси бошидан-охиригача хушманзара ҳиёбон. Борлиқда эрта тушган ҳаёт нафаси кезади. Дарахт яproқлари саргайиб қолган. Шаҳар кўчаларида қаёққадир шошилаётган одамни, елдек учиб бораётган машиналарни кам учратасиз.

Фақат декада дараддудини кўраётган ташкилотларда зўр ҳаяжонланиш. Бу ердаги одамлар биз билан худди имтиҳонга тайёрланаётган талабадек ҳам қувониб, ҳам ҳаяжонланиб суҳбатлашишди. Қирғизистон ёзувчилар Союзига кириб келганимизда ажойиб яқинлик, биродарликнинг гувоҳи бўлдик. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, қирғиз ёзувчилари ўзбекистонлик қалам аҳлига алоҳида эътибор, ҳурмат билан қарар эканлар. Жумладан, уларнинг биринчи саволлари ҳам шу бўлди:

— Тинчмисизлар? Миртемир ака саломатми? Асқад Мухтор қандай, янги нарсалар ёзяптими?

Улар ўзбек қаламкашлари сўнгги пайтларда қандай асарлар устида ишлаётганини, ижод аҳли ҳаётида рўй бераётган янгиликларни миридан-сиригача суриштиришди.

Ниҳоят биз ҳам ўз навбатида декада тараддуди билан қизиқдик.

— Бир талай янги нарсаларимизни Ўзбекистонга жўнатдик, — дейди ёзувчилар Союзининг котиби Жунай Мамлонов. — Яна энг яхши асарларимизни саралаб юбормоқчимиз. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт талайгина қирғиз қаламкашларининг китобларини нашр этмоқда. Илгари ҳам кўпгина қизғиз ёзувчиларининг асарлари ўзбек китобхонига етиб борганди. Биз бу ҳамкорликдан мамнунмиз.

Ҳа, ўзбек ва қирғиз қалам аҳли ўртасидаги ҳамкорлик кўпдан мавжуд. Ўзбек китобхонлари «Манас» эпосини, Тўхтағул, Али Тўқумбоев, Чингиз Айтматов ва бошқа ўнлаб қирғиз ёзувчиларининг асарларини ўз она тилида ўқишга муяссар бўлдилар. Тошкентдаги «Ёш гвардия» театрида истеъдодли драматург Мар Байжиевнинг «Баҳс» драмасининг саҳналаштирилиши бу икки халқ ўртасидаги дўстликнинг яна бир ёрқин тимсоли бўлди. Биз билан бўлган суҳбатда Мар Байжиев ҳозир тарихий ва замонавий мавзуда янги драма ёзаётганини айтди. Айни вақтда у ўзбек санъаткорлари томонидан ўз асарини саҳналаштирилганини беҳад мамнуният билан қайд қилди.

Қирғиз тасвирий санъат усталарининг совғалари ҳам ранг-баранг. Биз бунга декадага юборилиши мўлжалланган асарлар кўргазмасини томоша қилгач амин бўлдик. Декада кунларида Тошкентда очиладиган кўргазмада намойиш этиладиган суратлар, портретлар, ҳайкаллар, турли хил нафис безаклар қирғиз халқининг ҳаёти ҳақида батафсил ҳикоя қилади.

— Қирғиз рассомлари ўзига хос услубга, бўёққа эга, — дейди санъатшунос Д. М. Орешкин, — Ўйлайманки, тошкентлик ҳамкасбларимизга ҳам асарларимиз манзур бўлади. Биз уларнинг қимматли фикрларини эшитишга муштоқмиз.

Тошкентда очиладиган кўргазмада Қирғизистоннинг улкан мўйқалам соҳиблари билан биргаликда ёш рассомларнинг ҳам асарлари намойиш этилиши алоҳида диққатга моликдир. Улар учун бу декада жиддий имтиҳон бўлади.

Қирғизистоннинг Ленин орденли академик опера ва балет театри ҳамиша одамлар билан тавжум. Бу даргоҳда намойиш этиладиган спектакллар кўпсонли томошабиларнинг диққатини жалб этиб келади. Театрнинг бинои ҳам, архитектураси ҳам ажойиб. Бинонинг ич-қарисига кирганингизда эса шиаста қўбуз садоси юрагингизни қитиқлайди.

— Биз декадага ўзимизнинг энг яхши деб ҳисоблаган асарларимизни олиб борамиз, — деди опера ва балет театрининг директори М. Баялинов. — Жумладан, «Манас», «Чўлпон», «Отелло», «Ҳаётбахш ўлим»ни намойиш этамиз.

Қирғизистон давлат филармонияси коллективи ўзбекистонликлар учун ранг-баранг концерт программалари тайёрлаган. Декадада Қирғизистоннинг халқ чолғу ансамбли қатнашади. Бу ансамбль ўзининг миллий қўшиқлари, рақслари билан машҳур. Шунингдек, декадада энг ёш коллективлардан эстрада ансамбли, раққосалар ансамбли ҳамда манасчилар ансамбли иштирок этишади. Бу ансамбллар ўз репертуарларига асосан миллий қўшиқлар ва рақсларни, айни вақтда қардош халқларнинг ашулаларини ҳам киритишган.

Ҳадемай, ўзбек диёри бўйлаб қўбуз тароналари янграй бошлайди. Қирғиз қўшиқлари авж пардасига чиқади. Қардош қирғиз санъаткорлари серқуёш республикамизнинг меҳнаткашларини ўз санъатлари билан мамнун этишлари шубҳасиз.

Қўбуз садолари тинмай янграйверсин!

Э. УСМОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.
Фрунзе шаҳри.

Чеҳраларида табассум барқ уриб турган бу қизлар Тошкент Давлат медицина институти даволаш факультетининг биринчи курс талабалари. Суратда (чапдан) Ҳурнят Муҳиддинова, Саломат Отаева, Раҳима Ғаффороваларни кўриб турибсиз.

Н. ТУРАЕВ фотоси.

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

ЁШ ИЗТОПАРЛАР СЛЕТИ

УКМЕРГЕ. (Литва ССР). Республиканинг бир ярим мингга яқин ёш изтопарлари ўзларининг тўртинчи слетига тўпланишди. Слетда революцион ва тарихий жойлар бўйлаб ўтказилган походларда қатнашган, жанговар ва шон-шуҳрат клуби мусобақаларида голиб келган ёш изтопарлар қатнашишди.

Слетга қадар ўтказилган походларда Литванинг юзлаб мактаб, саноат, муассаса ва бошқа ташкилотларининг туристлари сафарга чиқишди, дом-дараксиз йўқолган қаҳрамонларни ахтариб топишди, революция иштирокчилари билан суҳбатлашишди.

Ёш изтопарлар бу анжуманларини Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига ва Совет Литвасининг гитлерчи газандалар асоратидан озод этилган кунининг 25 йиллигига бағишладилар.

●

ОРЕНБУРГЛИК ТРАКТОРЧИНИНГ ЖАСОРАТИ

КРАСНИЙ ХОЛМ. Чапаев номидаги колхоз трактор-чиси А. Пасюта бир кунда 21 гектар ерни ҳайдаб, ўзига хос рекорд ўрнатди. Унинг шарафига колхоз правленеси биноси устида байроқ қилпирай бошлади.

Колхоз деворий газета редколлегияси бу воқеага бағишлаб махсус сон чиқарди. «Молния» нинг бир неча нусхаси зудлик билан барча бригадаларга, дала шийпонларига тарқатилди.

Алексей Пасюта Красноҳолмскдаги бу колхозга қўриқ ерни ўзлаштириш кезларида келганди. У «С—80» маркали дизель тракторида ишлайди. Ҳосилдан бўшаган ерларни шудгор қилишда бу трактор-чи мислсиз жасорат кўрсатиб, хаммани қойил қолдирмоқда.

(ТАСС).

Янги ўқув йилингиз муборак бўлсин

ЗЎР УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

Биринчи сентябрь тонгида мактаб ҳовлиси ўқувчилар ва ота-оналар билан гавжум бўлиб кетди. Ҳамманинг юзида шодлик ифодаси. Яна бир неча дақиқалардан сўнг мактаб саҳни узра биринчи қўнғироқ овози баралла янграйди...

Ўқувчилар синфлар бўйича линейкага саф тортдилар.

Тошкентдаги 213-мактабда янги ўқув йили шоду ҳуррамлик билан бошланди. Мактабнинг педагогик коллективи янги ўқув йилига пухта ҳозирлик кўрган эди. Бу йил 120 ўқувчига мўлжалланган янги синфхоналар қурилди. Биринчи синфларга эса 115 ўғилқиз қабул қилинди.

Мактабда иккита куни узайтирилган группа ташкил этилди. Ўқувчилар машғулотлардан сўнг ана шу группаларда дарс тайёрлайдилар, турли ўйинлар билан машғул бўладилар.

Барча билим ўчоқларида бўлгани каби бу мактабда ҳам биринчи дарс — Ленин дарси бўлди. Меҳрибон ўқитувчилар ўз талабаларига улуғ доҳиймизнинг ибратли ҳаёт йўли ҳақида мароқ билан ҳикоя қилиб бердилар.

С. АБДУЛЛАЕВ.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

Оржоникидзе районининг кўпчилик мактабларида янги ўқув йилига тайёргарлик барвақт бошланган эди. Ремонт ишлари 15 августгача сифатли тугалланди.

Бу ерда 47 та умумий таълим мактаби, 19 та мактабгача тарбия муассасаси мавжуд. Шулардан 24 та мактаб капитал ремонтдан чиқарилди, 23 таси эса жорий ремонт қилинди.

Шу йилнинг ўзида бешта янги мактаб фойдаланишга топширилди. Уларда таълим-тарбия ишлари олиб бориш учун ҳамма қулайликлар муҳайё қилинмоқда. Биргина «Қизил Ўзбекистон» колхозининг ўзида очилган мактабда 640 ўқувчи илм олади.

Уч минг етмиш бола биринчи синфга қабул қилинди. Ўқув йили охирига келиб 1191 ўқувчи 10-синфни тугатиб ҳаётга йўлланма олади.

Биринчи сентябрь олдидан «Ҳаракатдаги семинар» деб ном олган суҳбатлар ва мунозаралар ташкил этилди. Семинарларда мактабларда ўқув-тарбия ишларини яхшилаш, кўргазмали қуроллардан фойдаланиш каби масалалар атрофлича маҳокама қилинди.

Мактабларни янги ўқув йилига барвақт тайёрлаган педагогик коллективлар Фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

М. АСАТОВА.

КОРХОНА ЙЎЛЛАНМАСИ БИЛАН

Завод ёки фабрикалар йўлланмаси билан олий ўқув юртлари ва техникумларга кириб ўқиётган слесарь ёки токарларни кўплаб учратиш мумкин. Тошкентдаги институт ва техникумларда қайноқ меҳнат қучоғидан йўлланма олиб, таҳсил кўраётганлар ҳам анчагина.

Тошкент политехника институтини бу йил муваффақиятли тугатган олий маълумотли инженерлар орасида электротехника заводининг собиқ ишчилари ҳам бор. Шу корхонада илғор слесарь бўлиб ишлаган Б. Мясоедов ҳам диплом эгаси бўлди.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда кечки мактабларда ўқиган завод ишчиларидан бир неча киши бу йил олий ўқув юртларига кириш учун имтиҳонлар топширдилар. Пойтахт корхоналаридан институт ва техникумларга йўлланма олиб ўқиётган студентлар сони уч юз кишидан ортиб кетди.

Дунё ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР

ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК ВАЗИЯТИДА

ПРАГА, 30 август. (ТАСС). Чехословакия Компартияси Марказий Комитети Президиумининг, Словакия Компартияси Марказий Комитети Президиумининг ва ЧКП Марказий Комитети чехия областларидаги партия ишига раҳбарлик бюросининг аъзолари Словакия миллий қўзғолонининг 25 йиллиги байрамига келган социалистик мамлакатлар қардош партияларнинг делегациялари билан кеча Сличчда учрашдилар.

МЕҲНАТ ВА КАПИТАЛ

400 минг киши ишсиз. Франциядa июль ойида рўйхатга олинган ишсизлар сони 232 минг кишига етди, яъни июнь ойидагига нисбатан 2,3 процент кўпайди. Ўқув йили тамом бўлиб, ёшларнинг ишга жойланиши оғирлашганлиги сабабли ишсизлар сони ортди. «Юманите» газетаси расмий маълумотлар одатда қанча ишсиз борлигини акс эттирмаётганлигини эътиборга олиб, Францияда иш қидириб юрган шахслар сони салкам 400 минг кишига етади деб ҳисоблайди.

* * *

Фойда кўпайгани ҳолда иш ҳақи оширилмаётир. Голландиянинг энг йирик концернлари ва монополияларининг фойдалари тез суръатлар билан ортиб бормоқда. «Филипс» радиоконцернининг шу йилнинг биринчи ярмида олган фойдаси 17 процент кўпайди ва 213 миллион гульденга етди. «Ако» концернининг фойдаси 50 процент кўпайиб, 100 миллион гульденга етди. Матбуот фойдаларнинг бу қадар тез ортиб бораётганлиги нархларни ошириш ва меҳнаткашларнинг иш ҳақини бир миқдорда сақлашнинг бевосита натижасидир, деб таъкидлайди.

(ТАСС).

Ш. РИФИ ҚАМОҚҚА ОЛИНДИ

РАБОТ. (ТАСС). Озодлик ва социализм партияси тарқатган ахборотда Марокаш маъмурлари шу партия миллий комитетининг аъзоси Шуайб Рифини қамоққа олганлар, дейилади.

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ

ВЬЕТНАМ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 24 ЙИЛЛИГИГА

Бугун Вьетнам Демократик Республикасининг меҳнаткашлари ўз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигини нишонламоқдалар. Улар миллий озодлик учун узоқ кураш олиб бордилар. Вьетнам халқи салкам бир аср давомида француз мустамлакачиларининг зулми остида эзилиб келди. Бироқ, француз империалистларига қарши озодлик кураши сира тўхтамади. Бу кураш Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин, айниқса иккинчи жаҳон урушидан сўнг кучайиб кетди. Ниҳоят, 1945 йилда халқдемократик революцияси ғалаба қилди ва ўша йилнинг 2 сентябрида Вьетнам Демократик Республикаси тузилганлиги эълон қилинди.

Бироқ халқаро империализм тил бириктириб, Вьетнам Демократик Республикасини бўғиш, мамлакат бирлигини парчалаб юбориш учун француз империализмига ҳар томонлама ёрдам берди. Империалистик давлатларнинг қўллаб-қувватлашидан фойдаланган француз мустамлакачилари саккиз йил (1946—1954) мобайнида интервенцияни давом эттириб, мамлакатни вайронага айлантирдилар.

Совет Иттифоқи бошлиқ социалистик мамлакатларнинг халқлари ва барча прогрессив инсоният француз империализмининг бу ёвуз агрессиясини қаттиқ қораладилар, эрксевар вьетнам халқини маънавий томондан қўллаб-қувватладилар. Натижада 1954 йил 21 июлда ташқи ишлар министрларининг Женевада бўлиб ўтган кенгаши Вьетнамдаги қонли урушни тўхтатди. Империалистлар Вьетнам Демократик Республикасидан Жанубий Вьетнамни ажратиб олиб, у ерда реакцион ҳукумат тузиб олдилар. Шу тариқа Вьетнамда иккита давлат — Шимолий Вьетнам билан Жанубий Вьетнам давлатлари вужудга келди.

Вьетнам мустамлака бўлган вақтида француз капиталига қарам, қолоқ аграр мамлакат эди. Бутун маҳсулотнинг 80 процентдан кўпроғи қишлоқ хўжалиги зиммасига тўғри келарди. Йирик-йирик корхоналарнинг ҳаммаси ва майда корхоналарнинг кўпгина қисми мустамлакачилар қўлида бўлган. Миллий капитал саноат билан транспортдаги ҳамма маблағларнинг бир процентини ташкил қиларди. Иккинчи томондан, узоқ вақт давом этган уруш мамлакат халқ хўжалигининг барча тармоқларини издан чиқариб юборган эди.

Вьетнам Демократик Республикасининг ҳукумати бу оғир аҳволдан қутилиш учун бир қанча муҳим иқтисодий-иқтисодий тадбирларни амалга оширди. Чунончи, 1955—1957 йилларда француз капиталига қарашли корхоналарни миллийлаштирди. Миллий экономикада давлат секторини хийла мустаҳкамлади, қишлоқда феодал сарқитларга барҳам берган аграр ислоҳот ўтказилди, давлат капитализми асосида хусусий капиталистик саноат ва савдо-сотиқ қайтадан тузилди, деҳқон хўжалигини аста-секин коллектив меҳнат йўлига кўчиришни амалга оширди.

1958 йилда халқ хўжалигини ривожлантиришнинг уч йиллик плани қабул қилинди. Бу план асосан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юксалтиришга қаратилган эди. 1961—1965 йилларга мўлжалланган биринчи беш йиллик планининг асосий вазифаси эса социализмнинг моддий-техника базасини яратиш ва шу билан бирга халқ хўжалигини социалистик тарзда қайта қуришни батамом тугаллашдан иборат эди.

Халқ оммасининг фидокорона меҳнати, партиянинг доно раҳбарлиги туфайли ҳамда дўстлар кўмаги билан уч йиллик ва беш йиллик план вазифалари муваффақиятли бажарилди. 1964 йилга келиб мамлакатда 1939 йилга нисбатан кўмир қазиб чиқариш 5,5, электр қуввати ҳосил қилиш 6, газламалар ишлаш 9, цемент ишлаб чиқариш 58 баравар кўтайди. Мамлакат саноати 1964 йили уруш тўхтатилган 1955 йилга нисбатан 8 баравар ўсди.

Халқ хонимяти йилларида маориф ва соғлиқни сақлаш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилди. Мактабларда бепул ўн йиллик таълим системаси жорий этилди. Республикада саводсизлик деярли тугатилди.

Вьетнам Демократик Республикасининг қишлоқ хўжалиги ва саноатини тиклаш ва қайта қуришда ҳамда бошқа соҳаларда Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатлар вьетнамлиларга беғараз ёрдам кўрсатиб келмоқдалар.

Узбекистон ҳам Вьетнам Демократик Республикасининг равнақи учун ўз ҳиссасини қўшиб келяпти. Узбекистоннинг кўпгина корхоналарида тайёрланган турли маҳсулотлар дўстона Вьетнамга юбориб турилибди. Республикамиз олий ўқув юртларида бир қанча вьетнамлик йигит-қизлар таълим олмоқдалар.

Совет Иттифоқи билан Вьетнам Демократик Республикаси ўртасидаги муносабатлар йил сайин ривожланиб бораётир.

Вьетнам ҳукумати ўз ташқи сиёсатида тинчлик сиёсатини оғишмай амалга ошираётган, ҳар қандай агрессив ҳарбий блокларга қарши чиқмоқда ва шу билан бирга социалистик мамлакатлар билан бўлган қардошлик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантириб бораётир.

Шимолий Вьетнам меҳнаткашлари социалистик жамият қуриш учун фидокорона меҳнат қилаётган бир вақтда Жанубий Вьетнам халқи Америка империализми ва унинг маҳаллий малайларига қарши мардона курашмоқда. Жанубий Вьетнам халқ озодлик қуролли кучлари душманнинг барча ҳаракатларига қарши ўз вақтида зарбалар бериб, катта талафот етказмоқдалар.

Яқинда Жанубий Вьетнам Республикаси тузилганлиги тантанали равишда эълон қилинди. Жанубий Вьетнам Республикасининг муваққат революцион ҳукумати тузилди. Бу эса вьетнам халқининг америка агрессорларига, Сайгондаги қўғирчоқ режимга қарши олиб бораётган озодлик курашида янги босқич бошлаб берди.

Америка империалистларининг Вьетнамга қарши олиб бораётган агрессиясига бутун дунё меҳнаткашлари нафрат билан қарамоқдалар.

Қаҳрамон вьетнам халқининг миллий байрами кунида барча совет кишилари қатори Узбекистон меҳнаткашлари ҳам уларни қизғин табриклайдилар ҳамда агрессорларга қарши курашда, мустақил экономика ва маданиятни ривожлантиришда натта муваффақиятлар тилайдилар.

И. УСМОНОВ,
Т. ФАЙЗИЕВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг халқаро шарҳловчилари.

Суратда: Ханой ёшлари пойтахт газеталарининг янги сонларини ўқимоқдалар. Улар мамлакат жадидаги жанглар, вьетнам халқининг меҳнат муваффақиятлари, қардош социалистик мамлакатлар ҳаётига оид янгиликлардан мунтазам хабардор бўлиб боришади.

В. СОБОЛЕВ фотоси, (ТАСС).

СОВЕТ-ХИТОЙ ЧЕГАРАСИДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

ҚАЙНОҚ ЕР

Жаланашқўл заставасидаги жангдан икки кун кейин чегара хизмати вертолётлари бизни воқеалар юз берган жойга олиб борди.

Биз «Каменная» тепалигига кўтарилдик. Ундан Хитой территориясигача ярим километрча келади. Янтоқ билан қопланган тақир тепалик. Ўткир қиррали юпқа тошлар. Қуёш тафтидан куйган ер. Лекин у қандай бўлишидан қатъий назар бизнинг еримиз. Совет мамлакатининг бир бўлаги, халқнинг муқаддас мулки. Юз йил, икки юз йил муқаддам ҳам у бизники бўлган. Бундан буён ҳам бизники бўлиб қолади. Бу — равшан.

Шунга қарамай, 13 августда «Каменная» тепалиги бир соат давомида Хитой армияси бўлинмаси томонидан эгаллаб олинди. Бу ҳатти-ҳаракатни ҳозир қуролли игвогарлик деб атамоқдалар. Тўғри таъриф, лекин уни тушунтириб бериш керак. Жанг билан разведка қилиш ҳам қуролли игвогарлик ҳисобланади. Аммо Жаланашқўл районидаги хитой операцияси шунчаки кучни синаб кўриш эмасди. Ундан мақсад бизнинг еримизни босиб олиш эди. Бу ғалабадан сўнг одатдагидай байроқ қадалмоқчи эди. Биз бу байроқни кўрдик. Хунвейбэнларнинг ғижимланган ва ифлос бўлган байроғида Чугучак шаҳри белгиси бор. Байроқ ғалаба эмас, балки мағлубият рамзи бўлиб қолди.

ХИТОЙЧАСИГА ЎЗ-ЎЗИНИ ФОШ ЭТИШ

Жанг бўлган «Каменная» тепалигида биз совет чегарачилари томонидан жиҳозланган кузатиш пунктини кўрдик. У бир йил ёки икки йил эмас, балки азалдан мажжуд. Илгари «Каменная» тепалигига хитойлар бостириб келмаган.

Аммо 13 август куни чегара кўпол равишда бузилганлиги факти мутлақо равшандир. Эҳтимол, бу тасодифий воқеа бўлгандир, хато ёки англашилмовчилик юз бергандир?

Воқеа билан биринчи танишувнинг ўзиёқ бунда ҳеч бир «тасодиф» ҳақида гап-сўз бўлиши мумкин эмаслигини кўрсатади. Бу аввалдан ўйлаб қилинган ва илгаридан тайёрланган хуруж эди.

Маочилар ҳаммадан аввал Тереки чегара пунктининг бутун составини алмаштирдилар. Бу ерга ёш ва босқинчиларча шайланган хунвэйбинлар группасини олиб келдилар. Гарнизоннинг бу алмаштирилишига солдатларимиз илгари ҳам эътибор беришган эди. Аммо жанг вақтида биронта ҳам таниш башаранн кўрмаганларидан сўнг бунга қатъий ишонч ҳосил қилдилар. Игвогарликда иштирок этган маочилар жойни мутлақо билишмасди. Бизнинг чегарачиларимиз бўлса паст-баланд рельефдан моҳирона фойдаландилар. Бир сержант бу хусусда шундай дейди: «Биз бу ерда ҳар бир метр ердан фойдаландик».

Операциянинг олдиндан планлаштирилганлигини иккинчидан шу нарса ҳам кўрсатиб турибдики, хитойлик игвогарлар овқатни ҳам запас қилиб қўйган эдилар. Улар танкка қарши отадиган гранаталар билан қуролланган эдилар. Ваҳоланки, чегарани қўриқлашда у мутлақо керак эмас. Пластик контейнерларда алоҳида мақсадларда ишлатиладиган термик снарядлар ётарди. Милтиқ стволига бу снарядларни жойлаб, душманнинг тирик кучлари ва техникасини 200 метр масофада ёндириб юбориш мумкин. Ўзига хос оғнемет тури бўлган бу қуролни ҳам чегара қўшинлари ишлатмайдилар.

Младший лейтенант Виталий Пучков шундай ҳикоя қилади:

— Маочига пулеметдан ўқ узган ҳамон, у шу заҳоти кўзни қамаштирувчи машъалани ёқади. Бу бир, икки, уч бор такрорланди. Мен аввалига ҳатто игвогарлар ўзларини ёндириб юборишларини ашёйи-далил қолдирмаслик учун ўзларига махсус ёнилғи ишлатаётган бўлсалар керак, деб ўйладим. Кейин бу ёнаётган нарса снарядлар эканлигини англадик...

ПРОПАГАНДА ИЎЛИДА ТЎКИЛГАН ҚОН

Қўлга туширилган ўлжалар ичида алмаштириладиган оптикали иккита камера диққатга сазовордир. Швейцария маҳсулоти бўлган бу аппарат сумкадаги палапартиш чапилган иероглифларга қараганда Синьхуа агентлигининг операториники экан. Лентанинг бир қисмига сурат туширилган. Лекин у ҳали проявка қилинмаган. Унинг қай даражада сақланганлиги ҳам номаълум. Қолган кўп плёнкаларга қараганда улар навбатдаги киноагиткани яратиш ниятида бўлганлар. Даманский оролидаги воқеалар ҳақидаги аввалги киноагитка Хитойнинг ҳамма ерида кўрсатилмоқда.

Қуролли операциянинг оддий иштирокчилари ўзларини қурбон этишдан мақсад нима эканлигини қай даражада тушуниб етганликларини айтиш қийин. Аммо биз улар шапкасининг астарида қийинчиликлардан, ўлимдан қўрқмаслик ҳақидаги машҳур цитаталарни ўқидик. Суратга олиш мумкин бўлмаган антисовет фильмининг пропагандистик кадрлари учун маочиларнинг озмунча ҳаёти кетдими? Биз тепалик қоясидан чегарачиларимиз йиғиб олган хитой солдатларининг жасадларини кўрдик.

Ҳаётда алданган бу йигитлар ўзларининг сўнгги соатларида ҳам алданган эдилар.

ЯРАДОР БЎЛИБ ҲУЖУМГА БОРДИЛАР

Биз Шарқий чегара округи штабида жанубий қўшнимиз билан муносабатлар тарихига оид фотосуратларни кўрдик. Мана, совет ва хитой офицерлари дўстона чой ичиб ўтиришибди. Бу энди тарихий сурат бўлиб қолган...

Мана, икки қўшни чегара бўлинмалари вакиллари қорамолни ҳайдаш билан боғлиқ бўлган қандайдир арзимас воқеани муҳокама қилишмоқда. Чеҳраларда майин табассум.

Мана, жойнинг ўзида аҳволни таҳлил қилишнинг кескин ҳолати тасвирланган: йўл қўраётган хитой ишчилари бу йўлни СССР территориясидан олиб ўтганлар. Бу муносабатларни атайин кескинлаштиришдир. Ва ниҳоят сўнгги саҳифани очамиз: ҳалок бўлган совет чегарачилари ва ўлган маочиларнинг фотолари.

Хитой Халқ Республикасида антисоветизм ўсиб борган сайин йилдан-йилга чегарада ҳам вазият кескинлашиб борди. Матбуотдан ҳозир маълум бўлганидек, Жаланашқўлдаги игвогарлик заставани гафлатда қолдирмади. Совет чегарачиларининг ҳаракатлари аниқ, шиддатли ва самарали бўлди. Улар нишонни аниқ олган ҳолда ўқ отардилар.

Лейтенант Евгений Говор ва старший лейтенант Владимир Ольшевский командирлигида иккита группа ташкил этилган эди. Уларнинг вазифаси душманни яксон қилиш ва уни СССР территориясидан қувиб чиқариш эди. Улар ўлжалар қўлга туширдилар, асир олдилар. Пекинлик шовинистлар билан сиёсий баҳсда ашёи далиллар керак. Негаки, ўзганинг киссасига тушган қўл ушланган вақтда ўғри ўз айбини рад этиши қийин.

Совет чегарачилари хитойларнинг найрангини ана шундай ярамас ўғрилик, хоинона босқинчилик сифатида қабул қилдилар. Жангда бизнинг бир неча солдат ва офицеримиз ярадор бўлди. Лекин Уларнинг ҳаммаси сафда қолдилар. Яраланган младший лейтенант Виталий Пучков бронетранспортёрга командирлик қилаверди. Яраланган сержант Исачков хитой солдатини асир олди. Яраланган Михаил Дулепов тепаликда жангни давом эттирди ва энг тепага чиққанда иккинчи ўқ билан ўлдирилди. Ярадор бўлган Виталий Рязанов ўртоқларидан йиғирма қадам ўзиб кетиб, биринчи бўлиб тепаликка чиқди ва бу ерда рўпарасидан отиб ташланди.

Биз Рязанов ва Дулеповларнинг ота-оналари билан гаплашдик. Иккала йигит Уралда катта бўлган. Улар ўрмонни, овни севишарди. Иккалови ҳам Қозоғистон чўлидаги тақир ерга бош қўйишди. Чунки Ватан тушунчаси улар учун жонажон қишлоқдан афзал турарди, бурч ҳисси эса ўлим даҳшатидан кучлироқ эди.

...Биз «Каменная» тепалигида турар ва бу ердан кетгимиз келмасди. Хаёлимизда яқинда бўлиб ўтган воқеалар гавдаланарди. Кўзлар жанг изларини ахтариб топарди. Ер иссиқда оғир нафас оларди. Худди у пулемёт ўқларидан, портлаган гранаталар, тўкилган қонлардан ҳали совумагандай эди. Зотан, бу шунчаки ўхшатиш эмас. Бунда ҳақиқатда қайноқ ерни кўрасиз. Тўғри маънода ҳам, кўчма маънода ҳам. Бу ерда осмон тиниқ, лекин чегара ташвишли кўринади.

Бунга биз айбдор эмас. «Пекинлик худо»нинг қора ниятлари учун оддий совет нишлари ва пропагандага учган хитой солдатлари ўз қонлари билан хун тўлашга мажбур бўлаётганлиги ачинарлидир.

Виктор БУХАНОВ,
АПН махсус мухбири. Шарқий чегара округи.

Семипалатинск области, 13 августда маочиларнинг қуролли игвогарликларига қарши зарба берилган совет-хитой чегарасидаги Жаланашқўл аҳоли яшайдиган пункт. Суратда: тактик машғулотлардан сўнг. (Ўнгда) маочиларга қарши жангда алоҳида намуна кўрсатган лейтенант Е. Б. Говор.

* * *

13 августда маочи игвогарларга қарши жангда оддий жангчи Владимир Зварницин қаҳрамонлик намунаси кўрсатди. Унинг мергенларча отган ўқи душман гранатасига тегиб, уни портлатиб юборди. Натижада хитойлик гранатомётчи ҳалок бўлди. Суратда: В. Зварницин жанг тугагандан сўнг онасидан келган хатни ўқимоқда.

С. Метелица фотоси. (ТАСС).

«БАҲОР»НИНГ ЯНГИ АДРЕСИ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган «Баҳор» халқ ансамблининг довруғи дунёга машҳурдир. Мана ўн йилдирки, бу ансамбль ўзбек санъати ва маданиятини Совет Иттифоқи ва чет эл мамлакатларида миллионлаб томошабинлар даврасида тараннум этиб келмоқда. «Баҳор» қизларининг жозибадор ва рангбаранг рақслари турли миллат вакиллари учун бирдек ёқимли ва тушунарлидир. Шунинг учун ҳам қизларнинг ҳар бир чиқиши ҳамма ерда бирдек олқишга сазовор бўлмоқда.

Доҳиймиз В. И. Ленин юбилейига тайёргарлик қурилаётган ҳозирги бир пайтда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва ҳукумати «Баҳор» ансамблининг халқимиз олдидаги хизматларини ҳисобга олгани ҳолда катта ғамхўрлик кўрсатди. Ансамбль учун Ленин майдонида алоҳида муҳташам бино ажратилди.

Якшанба куни санъат даргоҳининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон ССР Маданият министри Воҳид Зоҳидов кечани очиб «Баҳор» ансамблининг иноқ коллективи ва барча санъаткорлар, маданият ходимларини бу янги кўркам бино билан табриклади.

Республика халқ артисти Амин Турдиев, СССР Халқ артисти Раззоқ Ҳамроев, Максим Горький номидаги рус драма театрининг директори С. Р. Лейкина, ўз сўзларида ансамблни янги бино билан табриклаб ижодий ишларида катта ва сермаҳсул муваффақиятлар тилашди.

СССР Халқ артисти, Давлат ва Ҳамза мукофотининг лауреати Мукаррама Турғунбоева, республика халқ артисти Бернора Қориева ансамбль номидан гапириб, коллективга топширилган бу катта совға учун партия ва ҳукуматимизга ўз миннатдорчиликларини билдиришди.

Шу куни «Баҳор» ансамблининг ижодий коллективи янги бинода ўзининг биринчи чиқишини бошлаб берди.

Саҳнамиз юлдузи Мукаррама Турғунбоева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ноила Баширова, Ўзбекистон халқ артисти Раъно Низимова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлардан Равшаной Шерова ва Қаҳрамон Дадаев, шунингдек, ансамблнинг бир қатор таниқли артистлари ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

И. ЮСУПОВ.

Спорт

СЎНГГИ РЕПЕТИЦИЯ

Ўтган якшанба куни СССР терма командаси футболчилари жаҳон биринчилигининг саралаш ўйини олдидан Лужникида сўнгги репетицияни ўтказдилар. Улар Польша клублари терма футболчилари билан куч синашдилар. Ўртоқлик учрашувида ҳисоб очилмади — 0:0.

10 сентябрь куни Шимолий Ирландияда бўладиган биринчи саралаш ўйинига мамлакатимиз терма камандасига қуйидаги 18 футболчи номзод қилиб олинди: дарвозабонлар Е. Рудаков ва А. Кавазашвили; ҳимоячилар — В. Афонин, А. Шестернев, В. Капличний, М. Хурцилава, Р. Дзодзуашвили, Е. Ловчев, ярим ҳимоячилар — Н. Киселев, В. Мунтян, В. Папаев, В. Серебрянников; ҳужумчилар — Г. Хусаинов, Н. Осянин, А. Пузач, В. Хмельницкий, Г. Еврюжихин ва М. Гершкович.

ЎЗБЕК БОКСЧИСИНИНГ ОЛТИН МЕДАЛИ

Тошкентлик спорт мастери Ботир Усмонов Венгрияда ўтказилган халқаро турнирда катта муваффақиятга эришди. У бу ерда ҳамма рақибларини мағлубиятга учратиб, олтин медаль билан тақдирланди. Турнирда қатнашган бошқа ҳамшаҳримиз — Николай Хромов иккинчи ўринни олиб, кумуш медаль билан мукофотланди.

КРАСНИЦКИЙНИНГ 97-ТЎПИ

«Олтилар» турнирида олдинда бораётган «Арарат» билан «Пахтакор»нинг Ереванда бўлган ўйини ҳамшаҳарларимиз учун жиддий синов бўлди. Ўйиннинг 48-минутида майдон эгаларининг ҳужумчиси Заназанян пахтакорчилар дарвозасига тўп киритади. Ана шундай қийин шароитда «Пахтакор» ветерани Г. Красницкий командамизни мағлубиятдан қутилишига ёрдам қилди. Унинг 60-минутда маҳорат билан тепган тўпи мўлжалга бориб, ҳисоб тенглашди. Бу Красницкийнинг 97-тўпи эди.

«Крилья Советов» билан пойтахт темирйўлчиларининг Куйбишев шаҳрида бўлган учрашувида «Локомотив» йирик ҳисоб билан мағлубиятга учради (3:0). Алмаота футболчилари муҳим икки очкога эга бўлдилар. Улар Свердловскда «Уралмаш»ни 2:1 ҳисобида енгдилар. Бугун рақиблар қайтадан ўйнашади. «Пахтакор» футболчилари эса эртага ўз майдонида «Арарат»ни қабул қилади

ЎТТИЗ ЙИЛДАН СЎНГ

Студентлик — олтин давр, деганларича бор. Ҳа, киши умри баҳорининг олтин палласи бу! Эзгу ният қанотланиб, орзулар ушалган тотли йиллар. Қайноқ ижодий ҳаётга йўлланма олган ёш мутахассиснинг қувончига чексиз қувонч бағишлаган ҳаяжонли дамлар. Буларнинг ҳамма-ҳаммаси киши учун унутилмас хотиралар бўлиб қолади.

...Шунинг учун ҳам сўлим боғ қучоғига тўпланган бу шифокорларнинг қувончлари чексиз эди. Улар ўша студентлик йилларини зўр ифтиҳор ва фахр билан эслашарди.

Ҳа, 1939 йилнинг кузагида улар қадрдон институтни тугатиб, мустақил ҳаётга йўлланма олишган эди. Тошкент Давлат медицина институтя шифокорларнинг яна бир янги катта отрядини меҳнат қуноғига йўллаганди ўшанда.

Мана шунга ҳам ўттиз йил бўлибди. Ўттиз йил! Бу давр институт талабалари учун чипакам изланиш ва тараққиёт йиллари, кашфиётларга тўла мазмундор йиллар бўлди. Бу орада ёш врачлар етук шифокорлар бўлиб етишдилар. Бирлари медицина фани хазинасидан дур теришса, яна бирлари амалий медицина тараққиётига муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Ўз касб-корини эъзозлаб келаётган Закрилла ака Эгамбердиев — фан кандидати. У ўзбекшифокорлари орасидан етишиб чиққан биринчи рентгенолог. Шифокор З. Далимов — моҳир терапевт. В. Воҳидов — тажрибали хирург, С. Кулибеков — ўз касбининг моҳир устаси.

Бу шифокорларнинг деярли ҳаммаси жон олиб жон берилган Улуг Ватан уруши йилларида қаҳрамон жангчиларимиз дардига малҳам бўлдилар, уларга қайта ҳаёт бахш этдилар. Урушдан кейинги йилларда ҳам улар халқ саломатлиги йўлида фаол меҳнат қилиб, эл-юрт ҳурматини қозонмоқдалар.

Шифокор кадрларнинг бу отряди орасида ҳозир 11 фан доктори, 32 фан кандидати бор. Уларнинг кўпчилиги «Республикада хизмат кўрсатган врач» деган фахрли унвон эгаси. РСФСР, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа республикаларда ҳам собиқ курсдошларнинг вакиллари меҳнат қилишади. Улар студентлик йилларида, отахон профессорлардан М. Слоним, И. Миротник, И. Орлов, М. Астров, С. Молчанов каби моҳир шифокорлар қўлида таълим олдилар.

Дўстлик меҳри, қолаверса ўша студентлик йилларини қумсаш, беш йил ўқиб, бирга ўтган ўқиш йилларини шундай эслаш завқи уларни яқинда яна азм Тошкентга — қадрдон тенгдошлар даврасига чорлади. Шифокорлар бундан беш йил бурун ҳам дўстлик дийдорига тўйишган эди. Ўшандэ меҳнат фаолиятларига чорак аср тўлганди.

Бу сафарги учрашув ҳам ўзига хос ажиб мазмун, ўзгача завқ, ўзгача файз бахш этди.

...Тўкин-сочин дастурхон атрофида қизғин суҳбат бошланиб кетди. Бири ўша студентлик даврларини завқ билан эсласа, яна бири янги кашфиёти ҳақида фахр билан сўзлаб берарди. Кимдир муваффақиятли ўтган операцияси «сирлари» билан дўстларини хабардор қилди...

— Азиз дўстлар,— дейди Фрунзе шаҳридан келган моҳир шифокор Сора Озодова,— ҳозирги ҳаяжонли дамларда гапимни нимадан бошлашни билолмай қолдим. Ахир, студентлик йиллари ҳам, мустақил ижодий меҳнат даври ҳам ҳаммамиз учун унутилмас дамлар бўлиб қолган эмасми! Фрунзе шаҳридаги 1-клиник касалхонада рентгенолог бўлиб ишлаяпман. Тошкентлик курсдошим олим З. Эгамбердиев ҳам шу касбнинг моҳир устаси. Биз рентгенология фани ютуқлари ва вазифалари ҳақида кўп нарсани гапиришиб олдик. Бундан кейин ҳам ижодий ҳамкорлигимиз давом этади...

Тошкентдаги трикотаж фирмаси медицина-санитария қисмининг моҳир терапевти Тожиддин ака Салимов ҳам ўз ҳамкасбларини ўттиз йиллик ижодий меҳнат билан чин юракдан муборакбод этди. У шифокорларни ўзи ишлаётган медицина даргоҳига лутфан таклиф этди.

Бу унутилмас ҳаяжонли учрашув кечасида яна кўп илиқ гаплар айтилди. Ҳамкасбларни муборак этиб, узоқ-яқиндан йўлланган телеграммалар ҳам ўқиб эшиттирилди.

Дўстлар яқин келгусида дийдор кўришишга, яна шундай кечага тўпланишга аҳд қилишди.

А. АЛИЕВ.

Суратда: Шифокорлар даврасида. А. АБАЛЯН фотоси.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

12.55 дан — **Москва кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.30 — **Кўрсатишлар программаси.**

Рус тилида: 18.35 — **Болалар учун мультфильм,** 18.45 — В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллиги олдидан. **Индустрлашган Чирчиқ,** 19.10 — Вьетнам халқи миллий байрами муносабати билан. **Диққат, душман яқинлашмоқда** (ҳужжатли фильм). 19.50 — **«Пропагандист» телепрограммаси,** 20.20 — **Кўрсатишлар программаси ва реклама.**

Ўзбек тилида: 20.30 — **Телеянгиликлар,** 20.45 — Вьетнам халқи миллий байрами муносабати билан. «Романтика» телевизион театри. Буй Дик Ай. **Ҳижрон** («Ёшлик» студияси). 21.45 — **«Бўстон» тележурналининг қирғиз адабиёти ва санъатининг Ўзбекистонда бўладиган декадасига бағишланган махсус сони.** Фрунзе шаҳридан олиб кўрсатилади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

УҚУВ КУРСАТИШЛАР ПРОГРАММАСИ

18.00 — **Ўқитувчи экрани,** 18.20 — **Ота-оналар учун консультация.** 19.35 — Вьетнам халқи миллий байрами куни муносабати билан. **Жаҳон халқлари Вьетнам билан бирга** (ҳужжатли фильм).

20.00 дан — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 — Вьетнам халқи миллий байрами куни муносабати билан. **Шонли кураш йўли,** 20.15 — **Балет кечаси.**

Рус тилида: 20.45 — **Икки фабрикада** (илмий-оммабоп фильм). 21.05 — **Утли йўллар** (бадиий фильм). 22.25 — **Концерт.**

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 2/IX да **Қонли сароб,** 3/IX да **Ўгирланган умр.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 3/IX да **Махтумқули.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Улкан севги серенадаси — «ЧАЙКА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли, «ВОСТОК», «ДРУЖБА» (тоқ соатларда, 1 залда), «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 3 ва кеч соат 7 яримда).

Райк болалари — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Қизил қум — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Тайга хўжайини — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда, 2 залда).

Олтин зирак (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз соат 1-40 минут ва 4 яримда).

Мехикодаги оғир стартлар — САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11-45, кундуз соат 1,5 ярим ва кеч 9-15 минутда).

ЕЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 8 ярим ва 10 да бошланади)

Улкан севги серенадаси — «ФЕСТИВАЛЬ», ТЕЛЬМАН номли.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» ТРАНСПОРТ БОШҚАРМАСИ УҚУВ КОМБИНАТИ
профессионал-шоферлар тайёрлайдиган 5 ойлик курсга УҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқитиш бепул.

Курсантларга стипендия берилади.

Курсни тугатганлар Тошкент шаҳридаги «Главташкентстрой» транспорт бошқармасининг автобазаларида ишлайдилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Чигатой кўчаси, 2-Чимбой, 198-уй (28, 34, 38, 49, 76-автобусларнинг сўнгги бекатигача борилади).

РСФСР Автомобиль транспорти министрлиги ТОШКЕНТ ЮК ТАШИШ АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАСИ
(Тошкент шаҳар-126, «Халқлар дўстлиги» проспекти)
ТУГАТИЛАДИ.

Ташкилотлардан шикоятлар 10 сентябргача қабул қилинади.

ДУРАДГОРЛИК БУЮМЛАРИ ЗАВОДИГА

ёғочсозлик бўйича инженер ва техник технологлар, электромеханиклар, автомат станок операторлари, созловчи, асбобсоз ва сантехник-слесарлар, электрослесарлар, контроль-ўлчов асбоблари ва автомати, на ҳамда машиналар гидропроводи бўйича мутахассислар, чархловчилар

КЕРАК

Шунингдек, малака ошириш курси ташкил қилинади.

Ўқиш даврида асосий касбдаги ишчилар ва инженер-техник ходимлар ишлаб чиқариш практикасини ўтказиш учун Москва шаҳар корхоналарига юборилади.

Ўқиш даврида меҳнат ҳақи вақтбай асосида тўланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Металлистлар кўчаси, 104-уй, кадрлар бўлими (56-автобуснинг «Дурадгорлик буюмлари заводи» бекати).

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ТИКУВЧИЛИК ФАБРИКАСИ АЁЛЛАРНИНГ ЕНГИЛ КИЙИМЛАРИНИ ТИКУВЧИ 8-АТЕЛЬЕ ҚОШИДА
аёлларнинг турли хил буюмларини тикувчи бўлим очди

Буюртмалар қисқа муддатда бажарилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Чилонзор кўчаси, (7, 9-троллейбуслар, 3, 2, 24, 54-автобусларнинг «Савдо маркази» бекати).

ЎЗБЕККОНЦЕРТГА
Рекламист-рассом ва ёрдамчи ишчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, «Правда Востока» кўчаси, 10-уй, кадрлар бўлими.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЭНЕРГЕТИКА ВА ЭЛЕКТРОФИКАЦИЯ МИНИСТРЛИГИ
Тошкент шаҳрида янги ташкил қилинган БУҒХОНА-ҚОЗОНЛАР БИРЛАШМАСИ ВА РЕМОНТ КОРХОНАСИГА

қозон машинистлари, кучли иссиқлик узатгич қурилма навбатчилари, кучли иссиқлик узатгич қурилма слесарлари, химия аппаратлари бўйича навбатчи, ҳисобчилар, инженер ва техник теплотехниклар, контроль-ўлчов асбоблари ва автоматика бўйича техниклар, секретарь-машинистка, шунингдек касб-ҳунар ўрганишни истаган кишилар

КЕРАК

Меҳнат ҳақи умумий тарификация асосида тўланади ва 40% гача мукофот берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Б. Хмельницкий кўчаси, 53-уй (7, 9, 11, 14-трамвайлар, 6, 18, 23, 51, 54-автобуслар, 2, 6-троллейбусларнинг «Б. Хмельницкий» кўчаси бекати).

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Б — 2357. ИНДЕКС — 6469. Р-01698.